

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари**

*(2016 йил 19декабрь -24декабрғачаъ )*

**№16**

**Тошкент – 2016**

## **Президент Буюк Британия ташқи ишлар вазири ўринбосарини қабул қилди**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 декабрь куни Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Алан Дунканни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов вафот этган қайғули кунларда Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдарлик билдиргани ва қўллаб-қувватлагани учун Британия ҳукуматига самимий миннатдорлик изҳор этди. Алан Дункан Самарқандга ташрифи чоғида Буюк Британия раҳбарияти номидан Биринчи Президентимиз қабрини зиёрат қилиб, унинг хотирасига ҳурмат бажо келтиргани

Ўзбекистонда юксак кадрланади. Ўзбекистон Буюк Британияни жаҳон сиёсати ва иқтисодиётида муҳим ўрин тутадиган давлат, деб билади ва сиёсий, иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил давом эттириш, халқаро майдонда, жумладан, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратади.

Алан Дункан, ўз навбатида, Шавкат Мирзиёевни Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан муборакбод этди. Буюк Британия давлатимиз раҳбари бошлаган ислохотлар дастурини қўллаб-қувватлаши ва Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти билан Ўзбекистон – Британия ўртасидаги серқирра ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришга тайёр эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон – Буюк Британия ҳамкорлигининг барча йўналишлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Суҳбат чоғида бугунги кунда улкан имкониятлар мавжуд бўлган савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни фаоллаштириш янада муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Айни пайтда Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида Буюк Британия капитали иштирокида тузилган 544 корхона фаолият юритмоқда. Жорий йил 17 ноябрь куни Британиянинг 30 дан ортиқ компанияси вакиллари иштирокидаги Ўзбекистон – Буюк Британия савдо ва саноат кенгашининг 23-мажлиси самарали ўтди. Унинг яқунлари мамлакатимизда барча жабҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, сўнгги йилларда бизнес муҳитни яхшилаш ва хусусий тадбиркорлик ролини кенгайтиришга қаратилган қарорлар самарасида ушбу мамлакат етакчи компанияларининг жадал ривожланиб бораётган Ўзбекистон бозорига

қизиқиши

ортаётганидан

далолат

беради.

Томонлар маданий-гуманитар ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини, жумладан, Халқаро Вестминстер университети, Кембриж университети иштирокидаги Юқори технологиялар маркази ҳамда Британия кенгаши ваколатхонасининг мамлакатимиздаги фаолиятини юқори баҳоладилар. Ўзбекистонда, айниқса, ёшлар ўртасида инглиз тилини ўрганишга қизиқиш ортиб бораётгани инobatга олиниб, ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Суҳбатда Ўзбекистон – Буюк Британия ҳамкорлигига доир бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

### **Ўзбекистон Президентининг мактуби.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Германия Федератив Республикаси Федерал канцлери Ангела Меркелга Берлин шаҳрида юз берган террорчилик ҳаракати натижасида кўплаб инсонларнинг ҳалок бўлганлиги муносабати билан мактуб йўллади.**

Давлатимиз раҳбари самимий таъзия изҳор этди ва ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамда жароҳатланганларга ҳамдардлик ва далда сўзларини етказиб қўйишни сўради.

### **Парламент назоратини кучайтириш қонунлар ижросини таъминлашда муҳим ўрин тутди**

**Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқини катта қизиқиш ҳамда юксак масъулият ҳисси билан тингладик. Унда илгари сурилган устувор вазифалар нафақат юртимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, айти пайтда парламент фаолиятини янги босқичга кўтаришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Жумладан, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш билан боғлиқ таклифи, айниқса, сенатор ҳамда депутатлар фаолияти учун ниҳоятда муҳим бўлди, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бунинг учун, таклиф этилганидек, ҳар қайси вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлар ҳар ойда 10 — 12 кун давомида бир туманда бўлиб, ҳокимият идоралари, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини пухта ўрганиб, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса беришлари лозим бўлади. Спикер ва Сенат Раиси жойларда ўзлари бош бўлиб, маҳаллий Кенгашларда ана шундай муҳокамалар ўтказди. Бундай тизимнинг жорий

этилиши, мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни бартараф қилишнинг оқилона йўли, десак, тўғри бўлади. Дарҳақиқат, халқ томонидан сайланган халқ вакиллари уларнинг орасида бўлиб, мавжуд вазиятни янада яқинроқ ўрганади. Бу эса масалани жойида ва ўз вақтида ҳал этиш имконини беради. Бугун халқимиз биздан шуни кутмоқда.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Қонуннинг амалдаги ижросини барча соҳада мониторинг қилиш, шунингдек, бу борада хорижий мамлакатлар илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ушбу масала ҳам Президентимизнинг нутқида чуқур таҳлил қилинди. Зеро, бугунги кунда мақсадимиз мамлакатимизнинг чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш ва хорижда республикамизнинг иқтисодий имкониятларини кенг тарғиб қилиш орқали унинг халқаро нуфузини янада ошириш, инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш, туризм соҳасини бундан-да ривожлантиришдан иборат экан, парламент назоратининг янги механизмини йўлга қўймасдан туриб, уларга эришиш мумкин эмас.

Шу боисдан ҳам давлатимиз раҳбари таклифи билан Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа давлат идораларининг бу йўналишлардаги фаолияти устидан самарали парламент назорати тизимини яратиш мақсадида Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилди. Шунга мос ҳолда, Сенатнинг тегишли қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш билан боғлиқ саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Шу ўринда Конституциямизнинг 78-моддасига мувофиқ, мамлакатни модернизация қилиш, жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришни таъминлашда муҳим ўрин ва жавобгарлик Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатига юклангани бежиз эмаслиги яна бир қарор таъкидлаб ўтилди. Шунинг ўзиёқ ҳар бир сенатордан катта масъулият талаб этади. Нутқда илгари сурилган вазифалардан келиб чиқиб, қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, назорат-таҳлил фаолиятимизни янада ривожлантириш, бу борада сенаторларимиз ташаббускор бўлишлари айтилди. Шундай экан, бу борадаги ишларни янада юқори босқичга кўтариб, маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликдаги фаолиятимизни бугунги талаблар асосида кучайтиришга эътибор қаратамиз. Қолаверса, давр талабига мос келадиган, аҳоли фаровонлиги йўлида хизмат қиладиган, ҳар томонлама мукамал қонунларни маъқуллаш ҳам доимий эътиборда бўлади. Пировардида буларнинг барчаси халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, эртанги кунимиз янада порлоқ бўлишига хизмат қиладиган.

**Ш. Ҳ. Бобоевни Тошкент вилояти ҳокими лавозимига  
тайинлаш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Шукурулло Ҳабибуллаевич Бобоев Тошкент вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 декабрь

**Ғ. Ғ. Мирзаевни Сирдарё вилояти ҳокими лавозимига  
тайинлаш тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ғофуржон Ғаниевич Мирзаев Сирдарё вилоятининг ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 15 декабрь

**Ў.И.Барноевни Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш  
тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

Ўктам Исоевич Барноев Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 16 декабрь

**Э.О.Турдимовни Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш  
тўғрисида**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг қарорига мувофиқ:

**Эркинжон Окбутаевич Турдимов** Сурхондарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин, шу муносабат билан Навоий вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**

**Президенти**

**Ш.Мирзиёев**

Тошкент шаҳри, 2016 йил 16 декабрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**

**БАРЧА ДОРИХОНАЛАРДА БЎЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАР РЎЙХАТИНИ ТАСДИҚЛАШ  
ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 49-сон, 561-модда)*

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 6 декабрда  
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2846]**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ-2647-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар рўйхати **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазир А. АЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 21 ноябрь,  
71-сон

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 21  
ноябрдаги 71-сон буйруғига  
**ИЛОВА**

**Барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дори воситалари ва тиббий буюмлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Дори воситасининг халқаро патентланмаган номи ёки савдо номи/тиббий буюм номи	Дори воситасининг шакли/тиббий буюм тури
-----	---	--

### Дори воситалари

1.	А+Б сеннозидлар	таблеткалар
2.	Азитромицин	таблеткалар ёки капсулалар ёки суспензия
3.	Фаоллаштирилган кўмир	таблеткалар
4.	Аллапинин ёки Амиодарон	таблеткалар
5.	Альбендазол	таблеткалар ёки суспензия
6.	Алюминий ва магний сақловчи антацидлар	таблетка ёки капсулалар ёки ичиш учун суспензия
7.	Амброксол ёки Бромгексин ёки Пертуссин ёки Мукалтин	таблеткалар ёки сироп ёки эритма
8.	Аминофиллин	таблеткалар
9.	Амлодипин	таблеткалар
10.	Аммиак 10% ли сувли эритма	эритма
11.	Амоксициллин	таблеткалар ёки капсулалар ёки суспензия тайёрлаш учун кукун
12.	Ампициллин	таблеткалар ёки капсулалар ёки ичиш учун суспензия
13.	Аскорбин кислотаси + Рутозид (Аскорутин)	таблеткалар
14.	Атенолол	таблеткалар
15.	Ацетилсалицил кислотаси	таблеткалар
16.	Ацикловир	таблеткалар ёки суртма ёки крем
17.	Бендазол ёки Папаверин	таблеткалар ёки суппозиторийлар
18.	Борат кислотаси 3% ли спиртли эритма	эритма
19.	Валериана илдизи ва илдизпояси ёки Арслонқуйрук ўти ёки Лимон ўти барги	настойка ёки ўсимлик хом ашёси ёки қобиқ билан қопланган таблеткалар
20.	Водород пероксиди 3 %ли эритма	эритма
21.	Глицерин	эритма
22.	Глицин	таблеткалар
23.	Дала қирқбўғими ўти ёки Аччиқ шувок ўти ёки Тукли Эрва (пол-пола) ўти	ўсимлик хом ашёси
24.	Диклофенак ёки Ибупрофен ёки Мелоксикам	таблеткалар ёки капсулалар ёки суспензия; суртма ёки гель ёки крем
25.	Доривор Алтей ёки Оддий Қизилмия илдизи ёки Тоғрайхон ўти	сироп ёки ўсимлик хом ашёси
26.	Дротаверин	таблеткалар
27.	Дўлана меваси	настойка ёки ўсимлик хом ашёси
28.	Индапамид ёки Гидрохлортиазид ёки Спиронолактон ёки Фуросемид	таблеткалар
29.	Йод 5 % спиртли эритма	эритма
30.	Йод + [Калия йодид+Глицерол] (Люголь глицеринли эритма)	эритма
31.	Ихтаммол ёки Деготь+Ксероформ (бальзамли линимент (Вишневский бўйича))	суртма
32.	Калий йодиди	таблеткалар
33.	Кальций глюконат	таблеткалар
34.	Кийик ўти	ўсимлик хом ашёси
35.	Клотримазол ёки Нистатин	таблеткалар ёки крем ёки суртма
36.	Анальгетик-антипиретик (парацетамол)	ичиш учун эритма тайёрлаш учун кукун

	+ антигистамин сақловчи восита (хлорфенирамин ёки фенирамин ёки цетиризин) ва/ёки альфа-адреномиметик (фенилэфрин) ва/ёки витамин (асокрбин кислотаси) ва/ёки кофеин сақловчи мажмуавий препарат	ёки таблеткалар ёки капсулалар ёки сироп
37.	Қовоқ уруғи	ўсимлик хом ашёси
38.	Лоперамид	таблеткалар ёки капсулалар
39.	Малахит кўки 1%ли эритма	эритма
40.	Ментол + новокаин + анестезин сақловчи эритма (Меновазин)	эритма
41.	Метоклопрамид	таблеткалар
42.	Метронидазол	таблеткалар
43.	Мойчечак гуллари ёки Тирноқгул гуллари	ўсимлик хом ашёси
44.	Нафазолин ёки Ксилометазаолин	бурун томчилари
45.	Наъматак меваси	ўсимлик хом ашёси ёки эрувчан экстракт ёки сироп
46.	Никлозамид	таблеткалар ёки кукун
47.	Омепразол	капсулалар
48.	Панкреатин	таблеткалар ёки капсулалар
49.	Парацетамол	таблеткалар ёки сироп ёки суппозиторийлар
50.	Пентоэритрил тетранитрат (Эринит) ёки Нитроглицерин	таблеткалар
51.	Фамотидин	таблеткалар
52.	Салицил кислотаси	эритма
53.	Сульфаметоксазол + триметоприм	таблеткалар ёки суспензия
54.	Сульфацил натрий (Сульфацил натрий) ёки Хлорамфеникол ёки Ципрофлоксацин	кўз томчилари
55.	Таурин	кўз томчилари
56.	Темир бирикмалари	таблеткалар ёки капсулалар ёки сироп
57.	Тетрациклин	таблеткалар ёки капсулалар ёки суртма
58.	Тешик далачай ўти	ўсимлик хом ашёси
59.	Триметазидим	таблеткалар
60.	Ўт хайдовчи йиғма ёки Холосас	ўсимлик хом ашёси / эритма
61.	Флуконазол	капсулалар
62.	Хлорамфеникол	таблеткалар ёки капсулалар
63.	Цетиризин ёки Лоратадин	таблеткалар ёки томчилар ёки сироп
64.	Циннаризин ёки Пирацетам	таблеткалар ёки капсулалар
65.	Ципрофлоксацин ёки Левофлоксацин ёки Офлоксацин	таблеткалар
66.	Цитрамон	таблеткалар
67.	Эналаприл	таблеткалар
68.	Эргокальциферол	эритма
69.	Кларитромицин	таблеткалар
70.	Этил спирти 70% ли сувли эритма	эритма
<b>Тиббий буюмлар</b>		
71.	Шприцлар	бир мартаба қўлланиладиган



72.	Инфузион системалар	бир мартаба қўлланиладиган
73.	Тиббий пахта	стерилланган ёки стерилланмаган
74.	Бинт	стерилланган ёки стерилланмаган
75.	Тиббиёт докиси	тиббий
76.	Тиббий қўлқоп	стерилланган ёки стерилланмаган

Изоҳ: ушбу рўйхатга киритилган дори воситаларининг ўрнига худди шу таркибдаги таъсир қилувчи моддалар ва дори шаклига эга бўлган, Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган бошқа дори воситалари ҳам тан олинади.

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д. ХИДОЯТОВ**

2016 йил 21 ноябрь

**Савдо-саноат палатаси раиси А. ШАЙХОВ**

2016 йил 21 ноябрь

## **Ўзбекистон ва Покистон темир йўл соҳасида ҳамкорликни муҳокама қилди**

Ўзбекистон ва Покистон ўзаро темир йўл ва ҳаво алоқаларини ривожлантириши зарур, деб айтди Покистон темир йўллар вазири Хаважа Саъд Рафиқ Ўзбекистоннинг Покистондаги элчиси Фуркат Сидиқов билан учрашувда.

Покистон ОАВ маълумотларига кўра, томонлар Ўзбекистон ва Покистон икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириши зарурлигини таъкидлаб ўтишган.

Вазир икки давлат ўртасида тўғридан-тўғри транспорт алоқалари савдо алоқалари ва икки томонлама муносабатларни яхшилашга ёрдам беришини таъкидлаб ўтди.

Томонлар, шунингдек, темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш ва темир йўл соҳасида мутахассисларни тайёрлаш масалаларини муҳокама қилишган.

### **2017 йилги давлат дастури ишлаб чиқилиши бошланди**

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш ҳақидаги фармойишини имзолади. Бу ҳақда “Ўзбекистон” телеканалининг “Ахборот” дастурида ўқиб эшиттирилди.

Бир ой муддат ичида тайёрланадиган ушбу дастурдан мақсад, “мамлакатдаги демократлаштириш жараёнлари самарадорлиги ва сифатини тубдан яхшилаш, кишиларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, муносиб турмуш тарзи ва манфаатларини таъминлаш, бунда давлат

идоралари масъулиятини кучайтириш, халқ билан очик мулоқотларни йўлга қўйишда янги самарадор воситалар ва усулларни жорий этиш, "Инсон манфаатлари - барчасидан устун" шиори остида иш олиб бориш ҳисобланади.

Дастурни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш учун мамлакат бош вазири Абдулла Орипов бошчилигида комиссия ташкил этилади. Ишчи гуруҳ вазирликлар, идоралар, жойлардаги давлат муассасалари, жамоатчилик бирлашмалари ва нодавлат ташкилотлар томонидан билдирилган таклифлардан умумий хулоса қилиб, бу фармойиш ижроси билан шуғулланади.

2017 йилги давлат дастурининг биринчи галдаги вазифалари:

- Дастур жойларда қабул қилинган қонунлар, буйруқлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши, давлат органларининг ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш бўйича фаолиятининг самарадорлиги устидан парламент ва жамоатчилик назорати механизмларини шакллантириш бўйича чора-тадбирларни шакллантириш;

- Дастур доирасида аҳоли ва юридик шахслар ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйишнинг янги самарали механизмлари ва услубларини жорий қилиш, барча ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисоб бериш тизимини жорий этиш;

- Жойларда "халқ қабуллари"ни жорий этишнинг ташкилий-амалий, ҳуқуқий, моддий-техник ва молиявий асосларини белгилаш, фуқаро мурожаатлари энг кўп кузатиладиган соҳалардаги бюрократик тўсиқларни ва муаммоларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини таъминлаш;

- Аҳолига талаб катта бўлган давлат хизматларини «ягона дарча» тамойили бўйича бир муассаса орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Давлат органлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари ўрнини кенгайтириш, «Электрон ҳукумат» тизимини самарали ривожлантириш борасидаги чоралар;

- Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва молиявий-иқтисодий саводхонлигини ошириш ҳамда фуқароларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш тизимини шакллантириш бўйича тадбирлар ҳам давлат дастурига киритилади.

- Иқтисодиётни бошқаришдаги давлат ролини камайтириш чораларини кўриш, давлат бошқарув идоралари ваколатларини оптималлаштиришга қаратилган маъмурий ислоҳотларни ишлаб чиқишни босқичма-босқич амалга ошириш, давлат хизматчиларининг моддий ва махсус таъминотини такомиллаштириш, профессионал мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратиш;

- Мамлакат иқтисодиёти тараққиётини таъминлаш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш ишларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар;
- Худудларда тижорий банкларнинг фаол иштироки билан янги иш жойлари ташкил қилиш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендиялар миқдорини кўпайтириш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада ошириш;
- Муҳандис-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси соҳаларини янгилаш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадли дастурларнинг амалга оширилиши;
- Таълим тизими, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантириш бўйича комплекс чораларни амалиётга татбиқ этиш;
- Диний эътиқоди ва қайси миллатга мансублигидан қатъи назар мамлакатнинг барча фуқароларига тенг ҳуқуқ ва имкониятлар мавжудлигини таъминлаш, маҳалла институти, аёллар ва ёшлар ташкилотлари, фахрийлар бирлашмаларининг мамлакатдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги ролини кучайтириш.

## **ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ БОШ ВАЗИР**

### **ЗИММАСИГА ЎТДИ**

Жанубий Корея Бош вазири Хван Гё Ан, парламент давлат раҳбари Пак Кин Хега импичмент эълон қилгандан сўнг мамлакат президенти вазифасини бажаришга киришгани ҳақида вазирлар маҳкамаси маълум қилди. Хабарларга кўра, Хван Гё Ан кейинроқ миллатга телевидение орқали мурожаат қилиши ва Миллий хавфсизлик кенгаши йиғилишини ўтказиши кутилмоқда. Аввалроқ, Пак Кин Хе бош вазир Хван Гё Ан ва вазирлар маҳкамаси аъзолари мамлакат иқтисодиёти ва хавфсизлик соҳасида беқарорликнинг юзага келишига йўл қўймаслик учун барча саъй-ҳаракатларини аямаслигига умид билдирган эди.

## **ГАМБИЯ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВДАГИ МАҒЛУБИЯТИНИ ТАН**

### **ОЛИШДАН БОШ ТОРТДИ**

Гамбия президенти Яйя Жамме декабрь ойи бошида бўлиб ўтган президент сайловдаги мағлубиятини тан олмаслигини ва сайлов яқунларини бекор қилишини маълум қилган. Давлат телевидениесидаги чиқишида у овоз бериш жараёнининг “жиддий хатоликлар” билан ўтганини ва янги сайлов ўтказиш лозимлигини таъкидлаган. Жамме ҳукумат тепасига 1994 йилдаги давлат тўнтариши натижасида келган бўлиб, сайловда кутилмаганда рақиби Адаме Барроу ҳисобига 45% дан кўпроқ овозни бой бериб қўйди. Дастлаб президент сайлов яқунларига рози бўлди. Аммо кейинроқ яхшилаб ўйлаб кўргандан сўнг уни рад этган. Сайлов яқунига кўра, муҳолифатдан номзод Адама

Барроу 1 декабрдаги сайловда 263515 овозга (45,5%), амалдаги президент Жамме эса 212099 овозга (36,7%) эга бўлган.

## **СУРИЯНИ ҚАЙТА ТИКЛАШ УЧУН 180 МЛРД ДОЛЛАР ЗАРУР БЎЛИШИ МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ**

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра Сурияни қайта тиклаш учун 180 миллиард доллар зарур бўлиши ҳақида пайшанба куни Россиянинг БМТдаги вакили Виталий Чуркин БМТ ХКнинг ёпиқ тарзда ўтган йиғилишида. РФ вакили бу борадаги ишларни бир ёки икки давлат бажара олмаслиги, аввало мамлакатда сиёсий барқарорликни яратиш, сиёсий тизимда муҳолифат томонини манфаатларини инобатга олиб ислохотларни амалга ошириш кераклигини айтиб ўтган. Айни вақтда Сурия ҳукумат кўшинининг Шарқий Ҳалабда кўли баланд келаётгани ва яқин орада ҳудуд бутунлай ҳукумат назоратига ўтиши маълум қилинган. БМТ Хавфсизлик Кенгаши йиғилишида БМТнинг Сурия бўйича махсус вакили Стаффан Де Мистура ҳам ушбу араб давлатини қайта тиклаш учун халқаро ҳамжамиятнинг ёрдами зарурлиги айтиб ўтилган.

## **ИСТАНБУЛДАГИ ТЕРАКТ ҚУРБОНЛАРИ 29 НАФАРГА ЕТДИ**

Туркия ОАВ хабарига кўра, портлаш Тошкент вақти билан 00.30да Мачка парки ва “Водафон Арена” стадиони олдида юз берди.

Истанбулда содир этилган иккита портлаш қурбонлари сони 29 нафарга етди, улардан 27 нафари полиция ходими. Портлашлар оқибатида жабрланганлар сони 166 нафарга етди. Аввалроқ 15 киши ҳалок бўлгани ва ярадорлар сони 70 нафарни ташкил этаётгани хабар қилинган эди. Сулаймон Сойлунинг маълум қилишича, ушбу портлашларга алоқадорликда гумон қилиниб, 10 киши ушланган. Унинг айтишича, машинадаги мина масофадан туриб ҳаракатга келтирилган.

---